



ТИЛШУНОСЛИКНИНГ НАВБАТДАГИ ВАЗИФАЛАРИ

Сафаров Шахриёр,

Самарқанд давлат чет тиллар институти профессори

Калит сўзлар: методологик мерос, денотатив, референтив, мантиқий, грамматик, синтактик муносабатлар.

Юртимиз мустақиллигининг 25 йиллиги кенг миқёсда нишонланмоқда. Қадимшунослар балким йигирма беш йилни кўзга кўринарли давр деб хисобламаслар, лекин мустақиллик шарофати билан халқимиз ҳаётида том маънода юксак даражадаги тарихий ўзгаришлар юзага келдики, уларнинг дастлабки сарҳисобини олиб келажак режасини тузиб олиш ҳам ҳаётини заруратдир. Ижтимоий ва маънавий баркамолликнинг фалсафий қомусига айланиб улгурган “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарида эътироф этилганидек, “бугун биз тарихий бир даврда - халқимиз ўз олдига эзгу ва улғу мақсадлар қўйиб, тинч-осойишта ҳаёт кечириётган, авваламбор ўз куч ва имкониятларига таяниб демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлида улкан натижаларни киритаётган бир замонда яшамокдамиз” (И.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: “Маънавият”, 2008. -3 б.)

Дарҳақиқат, ўтган қисқа давр ичида мамлакатимиз ҳаётининг барча жабҳаларида мисли кўрилмаган ривожланишга эришилганлигига дунё аҳли гувоҳ бўлиб турибди. Мана шу залворли ишлар силсиласида фан соҳасидаги саъй-ҳаракатлар, фундаментал тадқиқотларни бажариш ва уларнинг натижаларни амалиётга татбиқ этиш борасида бажарилаётган ишлар ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Бу борада ижтимоий-гуманитар фанлар кўламидаги илмий натижаларини алоҳида таъкидлаш лозим. Айниқса, мамлакатимизнинг ғоят бой ва қадимий тарихини тиклаш, бетакрор миллий-маданий қадриятларимизни тавсифлаш, башариятга улкан илмий

мерос қолдирган буюк аجدодларимиз асарларини ўрганиш ва халққа етказиш, лозим бўлса, жаҳонга “кўз-кўз қилиш” йўлидаги илмий фаолият чексиз самара бермоқда. Зотан, бу фаолият, бир томондан, миллатнинг ўзлигини белгилаш, уни англаш учун йўл очиб берса, иккинчи томондан миллий ўзликнинг бошқалар томонидан ҳам эътироф этилишига замин яратиб беради. Энг муҳими, ҳозирги даврга келиб ўзбек фани шўролар пайтида ҳукмрон бўлган “оламни билишнинг ягона тўғри асоси- “марксизм-ленинизм” деган ғоят беор, пойдевори нураб турган ғоядан батамом кутулиб улгурди.

Илмий методологиядаги якка ҳукмронлик тараққиётнинг сурбет тўсиғи эканлиги қачонлардир ўз исботини топган тарихий ҳақиқатдир. Мавриди келганда эслатиш жоизки, бағоят истеъдодли, толе-иқболи баланд халқимиз орасидан етишиб чиққан алломалар хоҳ дунёвий илмлар бўлсин, хоҳ диний илмлар соҳаларида доимо бағрикенгликни, ўртача бўлиш ғоясини олға сурганлар. Бинобарин, шу жумладан, калом илмининг буюк намояндаси бўлган Абу Мансур ал-Мотрудий ҳали X асрнинг бошларидаёқ оламни билишда ақл аҳкомлари ва нақл ривоятларини (ахборотни) мукамал эгаллаш лозимлигини уқтирган эди. Алломанинг билиш назариясига бағишланган дастлабки муҳим манбалардан бўлган “Китоб ат-тавҳид” асарида илмий таҳлилда ақл ва нақлга таяниб, улар мутаносиблигига ишониб иш тутишнинг инсон фаолиятини белгиловчи омилларни идрок этиш ҳамда шу фаолият маҳсули, унинг яратувчанлик имкониятларини ажратиш ва ўрганишда



накадар муҳимлиги жуда нафис услубда баён қилинган.

Шу қадар бой методологик меросга эга бўлган ўзбек миллий фани қандайдир ғайритабиий ғоя қамровида қолиб кетиши ачинарли ҳол эди, албатта. Хайриятки, яккахукмронлик ғоясидан воз кечишнинг мавриди келди ва бу имкониятни бизга мустақиллик берди. Эркинликка эришган шахс эркин фикрлаш бахтига муяссар бўла олади. Бундай бахтдан, табиийки, ўзбек тилшунослари ҳам четда қолмадилар. “Давлат тили ҳақида”ги қонун қабул қилиниб, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши билан она тилимизни ҳар тарафлама ривожлантириш ва уни илмий таҳлил қилишга изчил киришилди. Етакчи олимлар тил тизими, тузилиши, унинг жамиятда тутган ўрни, инсонлар фаолиятидаги ролини батафсил, турли ёндашувлар асосида ўрганиш йўллари кидира бошладилар (Нурмонов 2001; Раҳматуллаев 2002; Ҳожиёв 2010; Хоназаров 2007; Маҳмудов 2012 ва бошқалар). Натижада, тил тизими тадқиқи учун тамоман ёт бўлган ғоялар, таҳлил мезонларидан (ҳинд-европа тилларига мос келадиган) воз кечиш асосида тил ҳодисасининг серқирралигини инобатга олувчи плюралистик ёндашув маъқул топилди. “Замонавий ўзбек тили” дарслигининг масъул муҳаррирлари Ҳ.Неъматов ва Р.Сайфуллаевалар таъкидлаганларидек, тил зоҳирий ва ботиний белги-хусусиятларга бой бўлганидек, серқирра ҳодиса сифатида ўрганилиши лозим бўлган ҳодисадир. “Ўрганиш манбаининг серқирралиги” – деб ёзадилар улар, - турли-туман, қўлга киритилган хулосалар ҳам ранг-баранг, ҳатто бири иккинчисини инкор қиладиган даражада бўлиши мумкинлигидан далолат беради. Илмий талқинлардаги хилма-хилликлар, албатта, кимнингдир “кучли”, кимнингдир “заиф”лигидан эмас, балки ўрганиш объектининг чуқур ўрганилганлигидан, унга турли томондан ва турли тадқиқ усуллари асосида ёндашилиб, турли натижаларга

эришилаётганлигидан – фан тараққий этаётганлигидан далолат беради” (Замонавий ўзбек тили 2008: 3).

Алқисса, қадимий мерос анъаналарини тиклаган ва янги замонавий таҳлил мезонлари, амаллари билан бойиган миллий тилшунослик фани қаддини ростлашга улгуриб, салмоқли қадамлар ила янги даврга кириб келди ҳамда жаҳон лисоншунослигида ўз бўй-бастини намоён эта бошлади. Журналимизнинг мазкур сонидан жой олган мақолаларда айнан шу даврда эришилган натижалар, бу натижаларга етишиш борасида кўрсатилган фидойилик ҳақида сўз бормоқда. Тақдим қилинаётган мақолаларда асосий эътибор тилшуносликнинг маълум соҳаларига оид тадқиқотларга қаратилиб, уларнинг миллий тилшунослик ривожига ўрнини белгилаш, олинган натижаларнинг амалий аҳамиятини аниқлаш мақсади кўзланмоқда. Сўзсиз, сиз ўқиётган мақолаларнинг қамрови чекланган, уларда тил уммонининг барча жабҳаларини қамраб олишнинг, унинг ботинидаги дурру зарларни тўлиғича кўриш ва кўрсатишнинг ҳозирча имкони топилгани йўқ. Бизнинг режамиз кўп босқичли таҳририят келгусида ушбу мавзудаги нашрларни давом эттириш вазифасини белгилаб олган. Ўйлаймизки, ҳамкасбларимиз бунга кўмакдошликни дариг тутмайдилар.

Каминанинг ҳозирги вазифаси – миллий тилшунослигимизнинг бугунги ҳолатидан келиб чиққан ҳолда, муҳокамаси долзарблашиб бораётган айрим муаммоларни белгилаш ҳамда уларнинг ечимини топишнинг самарадор йўллари кидириш борасида баъзи мулоҳазаларни билдиришдир. Келажак режасини қанчалик даражада жамоавий мақсад доирасида шакллантиришга интилмайлик, лекин унда барибир шахс мақсади ўз ифодасини топади. Шундай экан, ажратилаётган муаммолар ҳақида қуйида айтилаётган фикрлар субъективликдан холи бўлмаслиги ҳам аниқ. Аммо, алоҳида (шахсий) фикр-



мулоҳазаларни қиёсий умумлаштирмасдан туриб, назарий хулосага етишишнинг ўзи қийин масала. Ахир, алоҳида ҳодисаларнинг каузал (сабабий) муносабатларини аниқлаш, яққани умумийлик камровида кўриш фан методологиясининг муҳим талаби, қолаверса, диалектиканинг асосий қонуниятларидандир. Тилшунослик соҳасидаги фундаментал илмий тадқиқотларни янада чуқурлаштириш ва кўламини кенгайтириш айнан шу йўсинда кечиши зарур.

Тилнинг алоқа воситаси эканлигини ҳеч ким инкор этмаса керак, бироқ тилнинг жамиятда бажарадиган вазифаси бунинг билан чекланмайди, зеро у ментал ҳодиса сифатида инсоннинг оламини идрок этиш фаолиятида тўплаган билимини шартли равишда белгилаш (кодлаштириш), уни сақлаш, мулоқот шароитида қайта воқелантириш каби вазифалардан ҳоли эмас. Тилнинг воситачилик вазифаси эса икки томонлама муносабат муҳитида намоён бўлади ва бу муҳитда мулоқотдошлар муносабати, уларнинг етакчилик роли алмашиб туриши мумкинлиги боис, тенг ҳуқуқли, ўзаро боғлиқ йўналишни олади. Тил ҳодисасининг айнан шу жиҳатлари тадқиқи лисоний бирликлар таҳлили ва талқинига тамоман янгича руҳ бахшида этди, ҳамда уларнинг функционал-коммуникатив моҳиятини тўла-тўқис тасвирлаш имконини яратмоқда. Бундай ёндашув истиқболлида, масалан, синтаксиснинг марказий бирлиги бўлган гап ва бошқа нутқий бирликларнинг когнитив табиати, уларнинг прагматик захирасини тавсифлашга йўл очилишига умид қилишга ҳақлимиз. Хусусан, гап лисон ва тафаккур фаолияти омукталашувида юзага келадиган тузилма эканлиги кўп бора таъкидланган. Лисоний фаолият замирида кечадиган синтактик амаллар феълнинг синтактик валентлиги доирасида воқеланишини қарийб барча тилшунослар эътироф этадилар (вербоцентризм ғояси), лекин когнитив

вазифанинг қандай амалга ошиши масаласи ҳозиргача “қоронғи” бўлиб турибди. Фикримча, ушбу тузилмалар когнитив жиҳатдан шахсий (индивидуал) ва жамоавий ижтимоий тажриба ўртасидаги алоқани зоҳирлайди. Шунга нисбатан уларни мулоқот адресати, жамоа (гурух) аъзолари ўртасидаги муносабатларни у ёки бу шароитда тартиблаштириш ва бошқариш имконини берадиган восита сифатида талқин қилганимиз маъқулдир, балки. Тузилмаларнинг феъл (предикат) қисми эса кўп қаватли семантик занжирнинг денотатив, рефентив, мантиқий, грамматик, синтактик муносабатларни ва турли боғламларни акс эттирувчи ҳамда уларни ўзаро тобелантирувчи тафаккур (когнитив) тугунлари хизматини ўтайди. Ушбу тугунларни лисоний воқелантиришга мойил механизмлар турли кўринишга эга. Улар қаторига, жумладан, феъл лексемасининг маъно тузилиши, сўз ясовчи моделлар, валентликни фаоллаштирувчи омиллар, семантик-синтактик қуршов кабилар қиради.

Гап ва бошқа нутқий тузилмалар номинатив-коммуникатив вазифасига келадиган бўлсак, бу вазифа асосан оламнинг лисоний ва концептуал қиёфаси ўртасидаги алоқани таъминлашдан иборат эканлигини исботловчи далилларни тўплашнинг пайти келди. Адресант фойдаланаётган коммуникатив-прагматик омиллар таъсирида лисоний бирликлар ижтимоий намуналар, стереотипларга мурожаат қилиш воситасига айланади. Ушбу вазифанинг ижроси ҳеч қандай нутқий акт мазмунига, коммуникация шакли, нутқий тузилма тури тобе эмас, у вазифадаги ўзгаришлар, янгиланишлар муҳити таъсирида ҳосил бўлади.

Кўринадики, гап таҳлилида тор маънодаги синтактик доирадан чиқиш ва ушбу ҳодисанинг дискурсив-прагматик табиатини ўрганиш лингвистик тадқиқотларни янги поғонага олиб чиқди. Қувонарлиси, мамлакатимиз тилшунослари бу борада дастлабки



қадамларни қўйиб улгурдилар (қаранг: Раупова). Навбатдаги боскич – тафаккур амалларининг турли синтактик бирликлар воситасида воқелантириш механизмларини ёритишдир. Бунда ушбу механизмларнинг табиатдан кўп қаватли ва кўп боскичли эканлигини инобатга олиш, ҳамда шу қаватлар оралиғида турли лисоний ва нолисоний омилларнинг ўзаро мослашуви, ҳамкорлигини эътибордан қочирмаслик талаб қилинади.

Худди шу йўналишдаги тадқиқотлар бизни оламнинг лисоний ва концептуал қиёфаси ўртасидаги боғлиқликларни англашга, уларнинг бири иккинчисини қай даражада тақозо этишини сезишга яқинлаштиради. Қадимдан маълум бўлган тил ва тафаккур муносабати муаммоси ўз долзарблигини йўқотгани йўқ. Лингвистик фалсафанинг фундаментал муаммоси сифатида тан олинган ушбу муаммо тилшуносликда янги йўналишлар юзага келиши билан алоҳида, баъзан ҳатто бошқачароқ аҳамият касб эта бошлади. Эътиборлиси, лисоний ва когнитив фаолиятлар яқдиллигини миллий маданиятлар кўзгусида қараш анъанага айланиб бормоқда. Натижада, яна бир оралиқ фан соҳаси – лингвомаданиятшунослик шаклланди. Расман туғилганига бор-йўғи йигирма беш йил ўтганига қарамасдан, асосий мақсади тилни маданият билан боғлаб ўрганиш, лисоний фаолиятнинг этномаданиятга хос хусусиятларини аниқлаш бўлган ушбу фан соҳасининг мақоми, тадқиқ предмети ва методларининг тўлиқ эътироф этилган тарифини топиш қийин (қаранг: <http://ru.wikipedia.org> отд. wiki). Шунинг билан биргаликда, Сепир-Уорф фарази замирида юзага келган бу соҳанинг тадқиқ объектини тил ва маданиятнинг ўзаро муносабати, уларнинг бир-бирига таъсири натижасида ҳосил бўладиган ҳодисалар ташкил қилишини ҳеч ким инкор этмайди. Шунингдек, лингвокультурология ўз тушунчалар доирасига, таҳлил учун зарур бўлган атамалар мажмуасига эга бўлиб

бораётганлигига ҳам гувоҳмиз (қаранг: Худойберганова, 2015).

Маълумки, тил ва маданиятнинг ўзаро ҳамкорлиги турли кўринишларда намоён бўлади. Шунга биноан лингвомаданиятшуносликнинг предмети ҳам кўп кўринишли бўлиши кутилган ҳол ва булар қаторидан оламнинг этнолисоний қиёфаси, лисоний онг, лисоний шахс (ёки шахс лисони), менталлик, маданий код кабилар ўрин олади. Унинг асосий эвристик бирлиги сифатида концепт, яъни нарса-ҳодисаларнинг маданият ва тил қобикларидан жой оладиган муҳим хусусиятларини акс эттирувчи концептуал бирлик – тушунча қабул қилинган. Концептлар мажмуаси оламнинг миллий қиёфасини ташкил қилади, лисоний онг ҳаракатини белгилайди, миллий менталитетни шакллантиради, шахс лисоний фаолиятини таъминлайди. Бундан равшанки, лингвомаданиятшунослик ва когнитив тилшуносликнинг мақсади ҳамоҳанг, улар умумий ҳодисалар тадқиқига интиладилар. Бу эса, ўз навбатида, тилшунослик фанининг фалсафий ва методологик муаммолари муҳокамасини биринчи ўринга олиб чиқади, зеро “тил-тафаккур-маданият” учлигини “лисоний шахс” ҳисобидан кенгайтирмасдан туриб лисоний фаолиятга хос ҳодисалар, бирликларнинг туб моҳияти, табиатини билишнинг имкони йўқлиги аён бўлиб қолади.

Шу аснода ҳозирги пайтда баъзиларнинг “ғашига” тегиб турган “концепт” тушунча-атамасини “оқлаш” мумкин. Бунда эътибор лингвомаданий концептларнинг бажарадиган вазифасига қаратилиши лозим. Чунки, улар авваламбор миллий менталитетни таркиб топтирувчи бирликлар, яъни унинг “таянч нуқтасидир” (Колесев, 1999; 112) ва мажмуа сифатида оламнинг қиёфасини, бошқача айтганда, лисоний концептуал майдон (лингвоконцептосфера)ни ташкил қилади. Концептларнинг баъзилари, айти пайтда, дискурсив-мулоқот фаолияти марказий нуқтасини белгилаб, уни ташкил



топдирувчи, ривожлантирувчи бирлик вазифасини ўтайдилар. Масалан, сиёсатга оид дискурс одатда “ҳукумат”, “сиёсатчи” каби концептлар атрофида ривожланса, диний мулоқотда эса “худо”, “иймон” каби тушунчалар етакчилик қилади (қиёсланг: Шейгал, 2004; Бобырева, 2007; Чесноков, 2008).

Тўғри, лингвомаданиятшунослик ва когнитив тилшуносликни бир-бирига қориштириб юбориш ҳам унчалик маъқул эмас, зотан ушбу соҳаларнинг биринчисидан жамоа (аниқроғи -этнос) биринчи ўринда туради, яъни тадқиқ концепт ҳақидаги жамоа тасаввурига қараб йўл олса, иккинчисидан эса, аксинча, индивид онгида шаклланган концептнинг жамоа онгида ёки миллий маданиятда қандай вазифа бажаришига эътибор берилди. Бошқача изоҳлайдиган бўлсак, лингвокогнитив тадқиқотлар типологик хусусиятга эга бўлиб, уларда олам ҳақида ментал тасаввурлар шаклланишининг умумий қонуниятларини аниқлаш мақсади устуворлик қилса, лингвомаданиятшуносликда ментал бирликларнинг хусусий, алоҳида белгилари ўрганилиб, маълум турдаги концептларнинг семантик кўрсаткичлари тавсифланади (қиёсланг: Карасик, 2004: 7). Аммо, кўрсатилган фарқларнинг нақадар арзимас даражада эканлиги яққол кўзга ташланиб турибди, чунки юқорида эслатилган учлик ва тўртлик занжирлари тугунларини бир-биридан ажратиш ўта мушкулдир: маданият лисоний тафаккур шароитида ва лисоний шакл танловида ўз таъсирини сақлайди. Шаклу шамойил ва мазмун ҳамоҳанглиги, уйғунлигини излаш – лисон ҳақидаги фаннинг асосий вазифаларидан бири бўлиб қолаверади.

Муаммо бошқачароқ, лисоний фаолият инсон онгида мавжуд бўлган ва эгалланаётган (идрок жараёнида) билим асосида кечади. Бу барча тил соҳиблари учун умумий ҳол, аммо билимларнинг табиати ва манбаси бир хил бўлиши гумон. Даставвал пропозиция ва тушунча (концепт)ни алоҳида билим турлари

сифатида фарқлаш даркор. Пропозиция аслида нарса-ҳодиса ҳақидаги фикр, ҳукмнинг муқобили, ифодаси. Тушунчалар – концепт қандайдир умумий категориялар бўлиб, улар воситасида пропозиция шаклланади ва тажриба-фаолият идрок этилади. Масалан, *китоб, стол, устида, турмоқ* каби маълум тушунчаларнинг номланиши (иккита предмет, бир ҳолат, бир муносабат) бўлиб, *Китоб столнинг устида турибди* тузилмаси эса, бир предметнинг иккинчи предметга нисбатан муносабати (жой олиши) ҳақидаги пропозициянинг номланишидир. Пропозициянинг яна бир хусусияти у олдиндан хотирада сақланаётган бўлиши ёки янгидан шаклланиши, ўзлаштирилиши мумкин. Ҳар ҳолда, юқорида эслатилган икки турдаги билим чамбарчас боғлиқ, улар бири-иккинчисини тўлдириб, шарҳлаб келади. Пропозиция тушунчаларни ўзаро боғлайди ва уларга мазмун бағишлайди. Жумладан, “қуш” тушунчасининг мазмунга эга бўлиши ва бошқаларидан фарқланиши унинг “қушлар учади” пропозицияси таркибида пайдо бўлиши билан изоҳланади. Қисқаси, инсоннинг олам ҳақидаги билим заҳираси тушунчалар чексиз занжирининг пропозициялар билан муносабати замирида яралади (Hudson, 1995; Weischedel, 1994).

Равшанки, “билим” ҳодисасининг лисоний тафаккур фаолиятидаги ўрнини аниқлаш фанимизнинг истиқболдаги муҳим вазифаларидандир. Билим, ўз навбатида, пропозиция ва турлича – концептлардан иборат бўлиши айтилади, бироқ уларнинг айримлари тўлиғича маданиятга оид бўлиб, бошқалари эса, индивидга хос эканлиги ҳам қайд этиб турилади. Бинобарин, “Колумб Американи кашф этган” ва “Беруний Американи кашф этган” каби пропозициялар тўлиғича маданий билимга хос ҳукмлардир. Шунинг билан биргаликда, биз кундалик ҳаётда қўллайдиган пропозиция ва тушунчалар мавжудки, уларнинг юзага келиши доимо маданиятга оид билимга тобе эмас ва шу



сабаб уларни баъзилар “номаданий билим” (non-cultural knowledge) деб атайдилар. Наздимизда, билим ҳар қандай ҳолатда ҳам ижтимоий муҳитда эгалланади. Билимнинг манбаси мулоқот, уни биз бошқалардан, улардан таълим олиш жараёнида ёки уларнинг хатти-ҳаракатларини кузатаётиб ўрганамиз, ўзлаштирамыз. Айнан шу билим асосида биз тилдан фойдаланамиз ва коммуникацияга киришамиз. Коммуникация эса бир киши онгида шаклланган (мавжуд бўлган) билимни бошқанинг онгига кўчиришнинг воситаси, уловидир.

Коммуникация иштирокчиларидан лисоний воситалар ҳамда уларга маъно-мазмун бағишловчи концепт ва пропозициялар захирасига эга бўлиш талаб қилинади. Лингвистик манбага эга билим, айти пайтда, мулоқот самарасини тўлиқ таъминлашга қодир эмас. Чунончи, “Ошиқ девонага олам кенг” сатрини эшитган тингловчи унинг маъносини чақиш учун “ошиқ”нинг кимлигини, ушбу хабарнинг қачон, қаерда айтилаётганлигини, нима хулосага келиш кераклигини билишга интилади. Демак, лисоний, маданий ва нолисоний билимлар омухталашуви коммуникация самарасини таъминлайди. Бу эса прагматик-коммуникатив мазмуннинг когнитив фаолиятсиз намоён бўла олмаслигидан дарак беради. Лисоний фаолият инсон ҳаётининг, унинг ижтимоий мавжудлигининг ажралмас қисми, зотан бу фаолият давомида у маданиятга хос ва индивидуал тажрибаси асосида тўпланган билимга таянади ҳамда янгидан ўзлаштираётган билимни ҳам шу тажриба асосида тартиблаштириб умумлаштиради ва охир-оқибатда ундан янгидан кузатилаётган ҳодисалар идрокида фойдаланади. Бошқача айтганда, инсон оламни, унда кечаётган воқеа-ҳодисаларни оддий кўз билан кўрмайди, балки ўз хотирасидан ўрин олган тартиботли ментал тузилмалар (қолиплар, фреймлар) қамровида қабул қилади. Бундан олдинги тажриба замиридаги идрок оламдаги

воқеа-ҳодисалар кечишидаги тахминларни белгилайди ва интиҳода коммуникатив мазмун ҳақида фаразни шакллантиради. Когнитивистлар ёзганларидек, “Лисоний маъно нолисоний маънога асосланади. Лисонда шаклланаётган маънонинг бошқа турдаги тажрибада ҳосил бўладиган маъно билан боғлиқлигини ҳис этиш муҳимдир. Ушбу боғлиқлик тахминлар замирида юзага келадиган билимга асосланади ва олам ёки атроф-муҳит ҳақидаги тахминлардан иборат бу билим “амалдаги фараз” (working hypothesis) сифатида маълум муддатда фойдаланилиб, кейинчалик унутилади” (Winter, 1998: 7; қиёсланг Сафаров, 2013: 94-144).

Охирги йиллар давомида тилшунослар тилдан фойдаланишнинг ижтимоий-контекстуал асослари, мулоқотдошларнинг кечаётган воқеликдан хабардорлиги, тахминлари, лисоний ва маданий билим захираси борасида изланишлар олиб боришиб, етарлича маълумотлар тўплашга улгурдилар. Лекин ушбу маълумотлардан амалий тилшунослик (айниқса, таржима амалиёти ва лингводидактика соҳалари) ривожидида фойдаланиш борасида бирор-бир кўзга кўринарли иш қилинмади. Бу мақсаддаги ишга киришиш учун, авваламбор, лисоний фаолиятга оид ҳаракатларнинг сабабини, асосини аниқлашимиз даркор бўлади. Инсон фаолияти доирасидаги бирор-бир ҳаракатнинг сабабсиз ёки асоссиз бўлишини тасаввур қилиш қийин (ҳатто, беихтиёр ҳаракатлар туркумидагилари ҳам қандайдир сабаб, туртки замирида бажарилади). Бундан лисоний ҳаракатлар ҳам истисно эмас. Умуман, лисоний фаолият ва унинг қамровидаги тил бирликлари, танловининг оқилона, асосли ҳаракатлар эканлигини шарҳлаш замонавий тилшуносликнинг энг муҳим вазибаларидан биридир. “Замон билан бирга кадам босиш” учун эса лингвометодологиянинг пойдеворида турган тамойил – фан соҳалари сарҳаддошлиги, ўзаро алоқаси (кооперацияси) тамойилига амал қилиш



лозим. Айниқса, тилшуносликнинг прагмалингвистика, социоллингвистика, психоллингвистика, нейролингвистика, когнитология каби “инсоний”, яъни антропоцентрик мундарижага эга йўналишларининг ўзаро боғлиқлигига эътибор қаратганимиз маъқул. Сўзсиз, ҳамкорликни қидириш “қориштириб юбориш”, дегани эмас, чунки ҳар бир соҳанинг ўз мақсади ва шу мақсадга мос келадиган таҳлил усуллари, мезонлари мавжуд. Бинобарин, юқорида санаб ўтилган соҳа вакиллари мулоқот контексти, унинг шаклланиши, лисоний вокеланиши масалалари билан кизиқадилар. Бироқ, прагмалингвист кўпроқ мулоқот шароитидаги ўзаро ҳамкорлик қай даражада тил бирлиги тузилишига, унинг танловига таъсир қилишини эътиборга олса, социоллингвист эса ушбу танловнинг ижтимоий муҳит, контекстга оид жиҳатларини ўрганади, когнитивистнинг диққатини жалб қиладиган савол, ўз навбатида, лисоний билим, контекстдан фойдаланган ҳолда ўзаро ҳамкорликнинг (мулоқотнинг) умумий қонуниятлари тўғрисида қандай маълумотларга эга бўлиш мумкинлиги ҳақидадир.

Хуллас, инсоннинг лисоний фаолияти кенг қамровли, босқичма-босқич, кенг кўламда кечадиган фаолиятдир ва унинг ижрочи, иштирокчи ҳамда воситалари турли кўриниш, характерга эга. Унинг асосий манбаси бўлган тил ҳодисасининг тадқиқи ҳеч қачон бош таркибий қисмлари (улар лисоний ёки нолисоний манбага эга

бўлишларидан қаъти назар) тадқиқидан ажралиб қолмаслиги мақсадга мувофиқдир. Бу борада тўпланиб қолган саволлар кўлами ҳам анчагина кенг, уларга жавоб излашда тўғри методологик йўлни танлаш эса, тилшунослик ривожига денгизчининг “маёқ”ни кўришига тенгдир (қаранг: Сафаров, 2014: 287). “Маёқ”ни сезмаслик, ўз навбатида, қандай методологик ноқисликларга, ноўрин хулосаларга сабаб туғдириши мумкинлигига кўп бора гувоҳ бўлганмиз. Шу сингари ноқисликдан ҳатто Фердинанд де Соссюрдек сиймо ҳам халос бўла олмаган эди. Акс ҳолда, у “агарда нуткий фаолиятни айни пайтда турли йўналишда ўрганадиган бўлсак, у ҳолда тилшуносликнинг объекти турли-туман, ўзаро боғланмаган ҳодисалар уюмидан иборат бўлиб қолар эди” (Соссюр, 1977: 47) деган хулосага келмаган бўлар эди. Мабодо сўз билан биз ҳам бундай автономлик, яккахукмронлик йўлини танласак, тилшуноснинг келажакдаги машғулоти тил тизимининг фақат “ички организмини” ўрганиш, қандайдир “соф” лисоний бирликларни излашдан иборат бўлишига сабаб туғдирамиз. Яхшиси, Хумбольдтнинг “тил-ташқи ҳодисалар ва лисоннинг ички дунёси оралиғида жойлашган оламдир” (Гумбольдт, 1984: 304), деган ғоясига эргашганимиз маъқул. Ҳар ҳолда бу олимларнинг қайси бирини даҳоликка кўтариш ва айтилган фикрларининг қайсисини методологик таянч сифатида танлаш ёш тадқиқотчиларнинг ўз ихтиёрида.

Адабиётлар:

1. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.
2. Рахматуллаев Ш. Тил қурилишининг асосий бирликлари. – Т.: Унверситет, 2002.
3. Нурманов А. ва бошқалар. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. – Т.: Янги аср авлоди, 2001.
4. Ҳожиёв А. Ўзбек тили морфологияси, морфемикаси ва сўз ясалишининг назарий масалалари. – Т.: Фан, 2010.
5. Ханазаров К.Х. К проблеме философии языка. – Т.: Узбекистан, 2007
6. Махмудов А. Тилимизнинг тилла сандиғи. -Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2012.



7. Замонавий ўзбек тили: Морфология (муҳаррирлар: Ҳ.Неъматов, Р.Сайфуллаева). – Т.: Мумтоз сўз, 2008.
8. Худойберганова Д. Лингвокультурология терминларининг қисқача изоҳли луғати. – Т.: Тўрон Замин, 2015.
9. Колесов В.В. Жизнь происходит от слова. –СПб., 1999.
10. Шейгал Е.И. Семиотика политического дискурса. –М.: Гнозис, 2004.
11. Бобырева Е. В. Религиозный дискурс: ценности, жанры, стратегии. – Волгоград, 2007.
12. Чесноков И.И. Месть как эмоциональный поведенческий концепт (опыт когнитивно-коммуникативного описания в контексте русской лингвокультуре). – Волгоград, 2008.
13. Карасик В.И. Языковой круг. Личность. Концепты, дискурс. – М.: Гнозис, 2004.
14. Карасик В.И., Красавский Н.А., Слышкин Г.Г. Лингвокультурная концептология. – Волгоград, 2009.
15. Сафаров Ш. Семантика. –Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2013.
16. Соссюр Ф. де Труды по общему языкознанию. –М.: Прогресс, 1977.
17. Сафаров Ш. Тил назарияси ва лингвометодология. –Т.: Баёз, 2015.
18. Weischedel R. Knowledge Representation for Natural Language Processing. In: Asher R. Encyclopedia of Language and Linguistics. – Oxford: Pergamon Press, 1994. –P 1856-1862.
19. Hydson R. Word meaning. - London: Routledge, 1995.
20. Tennen D. Framing in Discourse, Oxford University Press, 1993.
21. Winter S. Expectations and Linguistic meaning. Lund: Novapress, 1998.

Сафаров Ш. Очередные задачи языкознания. В статье намечаются пути дальнейшего развития языкознания. Автор определяет, что будущее лингвистической науки зависит от изучения взаимоотношения прагматических и когнитивных аспектов языковых явлений.

Safarov Sh. Future tasks of linguistics. In this article the author tries to outline future task of the linguistics, the importance of interaction of pragmatics and cognitive sciences for the development of linguistics.
